



## МАШРАБ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА БИР НАЗАР

Турсунов Абдурашид Буриевич

Ўзбекистон, Термиз давлат университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5584100>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05-oktabr 2021  
Ma'qullandi: 10- oktabr 2021  
Chop etildi: 15- oktabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

Бобораҳим Машраб,  
Абдурауф Фитрат  
тадқиқоти, тасаввуфий  
адабиёт.

Ислом дини таъсирида ривожланган минг йиллик адабиётимизнинг жаҳон халқлари адабиётига адабий таъсири масалаларини ўрганиш адабиётшунослигимиз олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Истиқлол йилларига келиб, тасаввуфий мазмундаги бадиият намуналарини ўрганиш, мумтоз адабий анъаналарга мурожаат этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Кўхна адабиётимиз тарихида ижоди алоҳида аҳамиятга эга феномен ижодкорлардан бири Бобораҳим

### ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада Бобораҳим Машраб ижодининг ўрганилишига доир айрим фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шоир ижодидаги ирфоний руҳни асослашга ҳаракат қилинган.*

Машрабдир. Шоир ижодини ўрганиш юзасидан хорижлик В.Л. Вяткин, Н.И. Веселовский, Н.С. Ликошин каби олимлар Машраб ижодининг айрим қирраларига тўхталиб ўтганлар<sup>1</sup>.

Ўзбек адабиётшунослигида машрабшуносликдаги дастлабки илмий-тадқиқий иш сифатида Абдурауф Фитратнинг мақоласи эътироф этилади<sup>2</sup>. Истиқлол йилларига қадар ҳам ўзбек адабиётшунослигида машрабшунослик борасида илмий тадқиқий ишлар амалга оширилди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> В.А.Вяткин. Ферганский мистик Дивана-и Машраб. – Тошкент, 1923; Н.И.Веселовский. Восточные заметки. – Петербург, 1895; Н.С.Ликошин. Дивана-и Машраб. – Тошкент, 1910.

<sup>2</sup> Абдурауф Фитрат. Машраб // Танл. асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000;

<sup>3</sup> А.Ҳайитметов. 1. Ҳаётбахш чашма. – Тошкент, 1974; 2. Машраб лирикаси // Шарқ юлдузи. –

Тошкент, 1080. – № 3; 3. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент, 1970; И.Султон, В.Ахмедов. Асл Машраб. – Тошкент, 1936; М.Зокирий. Адабий-танқидий очерк. – Тошкент, 1966; Ж.Юсупов. Ҳақиқий Машрабни излаб. – Тошкент, 1990; И.Абдуллаев. «Мабдаи нур»га сўзбоши // Шарқ юлдузи. – № 12. – Тошкент, 1992; И.Ҳаққулов. 1. Адабиёт ва санъат. – Тошкент, 1988; 2. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент, 1992; Н.Комилов, Ғ.Саломов. Шоири



Мустақилликнинг дастлабки йилларида Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллик юбилейи муносабати билан қатор илмий-танқидий мақолалар эълон қилинди. Ўзбек адабиётшунослигида машрабшунослик борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Э. Мусурмонов, Д. Ҳамроева, М. Ҳошимхонов каби олимларнинг тадқиқотларида шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан айрим мулоҳазалар баён этилган<sup>4</sup>. Бу борада тадқиқотчи Ж. Юсуповнинг изланишлари алоҳида эътиборга молик<sup>5</sup>.

Шоир шахсияти, унинг қарашлари ва адабиёт тарихидаги ўрни масаласи бугунги кунда машрабшунос олимларларимиз олдида турган долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Чунки: “Машраб ўз даврининг шоир ёки мутафаккиригина эмас, балки шу билан бирга Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига танилган хурфикрли, маърифатпарвар, мутасаввиф шоир ва халқ номидан илғор мафкуравий ғояларни дадил тарғиб эта оладиган забардаст файласуф ҳам эди”<sup>6</sup>. Шу жиҳатдан унинг фавқулодда иқтидор соҳибчилигининг исботи сифатида

нақшбандия тариқати тарғиботчиларидан эканлиги ҳам фикримизни далиллайди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, шоир дунёнинг турли давлатларида сафарда бўлган. У бир ғазалини шундай матлаъ билан бошлайди:

*Намангондин кетар бўлсам, мени  
излар кишим борму?*

*Ғариблик шаҳрида ўлсам, мени  
йўқлар кишим борму?*

Бу илтижолардан кўришиб турибдики, шоир илм йўлидаги риёзат ва саёҳатларни қалбига аввалдан тугиб юрган ва имкон топилиши билан амалга оширган.

“Тазкира ва тарихий манбаларда Машраб ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар у қадар кўп эмас. Улар кўпроқ “Қиссаи Машраб” каби маноқиблар орқали етиб келган. Бу эса машрабшуносликда бир қатор мунозараларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Шунинг учун Шарқ адабиёти ва тарихини ўрганишда маноқибларнинг

аналҳақ. – Тошкент, 1990; В.Раҳмонов. Буюк исёнкор. – Тошкент, 1980.

<sup>4</sup> Д.Ҳамроева. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филол. фан. ... номз. дис. – Тошкент, 2004; Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўътабар ўзум. (Машрабнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари). Монография. – Тошкент: Шарқ, 2001. 7,5 б.т.; Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўътабар ўзум. (Машраб ва Мовароуннаҳрда ижтимоий таназзулнинг социологик таҳлили). (XVII–XVIII асрлар). Монография. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – 12 б.т.; Мўмин Ҳошимхонов. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти.

Монография. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – 7 б.т.; Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўътабар ўзум. (Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси ва унинг илмий-бадий адабиётдаги талқини). (XVII–XVIII асрлар). Монография. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси.

<sup>5</sup> Машраб, Бобораҳим. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.

<sup>6</sup> Мўмин Ҳошимхонов. Бобораҳим Машраб ва XVII–XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожини. Фалс.фан. ... док. дис. автореф. – Самарқанд, 2018.



ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур”<sup>7</sup>.

Айнан мустақиллигимиз шарофати ила Машраб ижодиёти билан танишиш ва уни ўрганиш ишлари мактаб дарсликларидан бошлаб амалга оширила бошланди. Аммо бу масалага оид ишларнинг бошланғич ҳолатида бирмунча хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди. То 2014 йилгача бўлган дарсликларда ўқувчилар ўрганиши учун танланган ғазалларнинг баъзилари жуда мураккаб бўлиб, уларни шарҳлаш моҳир устозлар учун ҳам қийинчилик туғдирар эди. Мисол ўлароқ ўша даврда, яъни 2010 йилги 9-синф адабиёт

дарслигида дарслигида берилган Бобораҳим Машраб қаламига мансуб қўйидаги ғазалнинг матлаъсини келтирамиз:

*Қилди менга бир жилвае ногоҳ,  
боқа қолдим,*

*Ул жилвасига дин ила дунё сота  
қолдим*<sup>8</sup>.

2014 йилдаги дарсликда эса аҳвол бирмунча яхшиланиб, унда Машраб ижодини ўрганишга бирмунча жиддий ёндошув кўзга ташланади, шунингдек нисбатан соддароқ ғазаллар танланган ва уларнинг шарҳига ҳам етарлича эътибор берилган.

### References:

1. А.Ҳайитметов. 1. Ҳаётбахш чашма. – Тошкент, 1974; 2. Машраб лирикаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1980. – № 3; 3. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент, 1970;
2. И.Султон, В.Ахмедов. Асл Машраб. – Тошкент, 1936;
3. М.Зокирий. Адабий-танқидий очерк. – Тошкент, 1966;
4. Ж.Юсупов. Ҳақиқий Машрабни излаб. – Тошкент, 1990;
5. Машраб, Бобораҳим. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
6. И.Абдуллаев. «Мабдаи нур»га сўзбоши // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. – № 12.;
7. И.Ҳаққулов. 1. Адабиёт ва санъат. – Тошкент, 1988; 2. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент, 1992;
8. Н.Комилов, Ғ.Саломов. Шоири аналҳақ. – Тошкент, 1990;
9. В.Раҳмонов. Буюк исёнкор. – Тошкент, 1980.
10. Д.Ҳамроева. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2004.

<sup>7</sup> Д.Ҳамроева. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2004;

<sup>8</sup> Q.Yo'ldoshev, V.Qodirov, J.Yo'ldoshev. Adabiyot (9-sinf uchun). – Тошкент:Yangiyo'l poligraph service, 2010. – В.